

**Тожибоева Дилором,**  
иқтисод фанлари доктори, Тошкент молия  
институти “Иқтисодиёт” кафедраси профессори

# ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ИНСОН МОДЕЛИ -БАРКАМОЛЛИККА ИНТИЛИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

УЎК: 371; 330  
DOI: 10.34920/SO/VOL\_2022\_ISSUE\_9\_2

## **ТОЖИБОЕВА Д. ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ИНСОН МОДЕЛИ БАРКАМОЛЛИККА ИНТИЛИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА**

Инсон иқтисодиётни асосий ҳаракатлантирувчи кучи, неъматларни яратувчisi ва истеъмолчисигина эмас, шу жараённинг барча босқичларида ягона қарор қабул қилувчи ва униамалга оширувчи ҳамдир. Унинг оқилона қарор қабул қилишига нималар таъсир кўрсатади? Шу нуқтаи назардан қайси “инсон модели” ҳақиқатга яқинроқ? Мазкур мақолада ана шу долзарб саволга жавоб бериш мақсади қўйилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим, билим, инсон тараққиёти индекси, ресурсларнинг чекланганлиги, мақсад, инсон модели, институционал иқтисодиёт.

## **ТОЖИБОЕВА Д. МОДЕЛЬ ЧЕЛОВЕКА В ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ КАК ОСНОВА СТРЕМЛЕНИЯ ЕГО К СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ**

Человек является не только главной движущей силой экономики, создателем и потребителем благ, но и единственным принимающим решения и исполнителем на всех этапах этого процесса. Что влияет на принятие рационального решения? Какая «человеческая модель» в этом отношении ближе к реальности? Данная статья посвящена ответу этого актуального вопроса.

Ключевые слова и понятия: образование, знания, индекс человеческого развития, ограниченные ресурсы, цель, модель человека, институциональная экономика.

## **TOJIBOEVA D. THE MODEL OF HUMAN IN THE INSTITUTIONAL ECONOMY - AS THE BASIS FOR HIS DESIRE FOR IMPROVEMENT**

Man is not only the main driving force of the economy, the creator and consumer of goods, but also the only decision maker and executor at all stages of this process. What influences rational decision making? Which «human model» is closer to reality in this respect? This article is devoted to the answer to this topical question.

Key words and concepts: education, knowledge, human development index, limited resources, goal, human model, institutional economics

### **Кириш.**

Хозирги XXI ахборот асрига келиб, бир томондан, бутун дунёда таълимга эътибор борган сари кучайиб бормоқда. Чунки, **буғунги кунда энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини оқладиган сармоя "инсон капитали"га инвестиция** эканлигини ҳамма англаб етди. Иккинчи томондан, энг катта бойлик билим бўлиб, мамлакатнинг келажаги энг аввало мавжуд ресурслардан оқилона фойдалана биладиган интеллектуал салоҳиятли кадрларга боғлиқ бўлиб қолди. Ана шундай кадрлар тайёрлаш асосий ўринга чиқди. Шу билан бирга жамият ва ҳар бир инсон учун келажакдаги танлов ва ривожланиш йўлини танлашга йўналтирувчи бир-бири билан боғлиқ сабаб ва омиллар таъсири натижасида:

**биринчидан,** фан-техниканинг ривожланиши, жамият тараққиёти борган сари меҳнатнинг мураккаблашуви ва унинг сифатини ҳам оширишни талаб қилиши ва бу жараён борган сари тезлашиб боришига;

**иккинчидан,** ахборотлар оқимини борган сари ортиши, кашфиёт, ихтиrolарнинг, янги ғояларнинг реал ҳаётга тезда татбиқ этилиши ўз навбатида билимни тез эскиришига олиб келаяпти;

**учинчидан,** билим, кўникума ва малака тез эскириши туфайли меҳнат хизмати бозори талабларига мослашиш қийинлашмоқда, унинг асосий кўникума ва малакаларга бўлган талаб даражасидан орқада қолмоқда. Ҳаттоқи рақамлаштиришга ихтисослашган мутахассислар ҳам мунтазам равишда ўз билимларини янгилаб, компетенцияларини мустаҳкамлаб туришга мажбур. Бунинг натижасида мутахассис кадрларга бўлган талаб билан таклиф ўртасида мувозанатнинг чуқур бузилишига олиб келади<sup>1</sup>.

Ҳаёт тажрибаси кўрсатмоқдаки, замоннинг ана шу долзарб чақириқларига жавоб беришнинг бош йўли - бу кадрлар тайёрлашни замон талабларига мослаштиришdir. Бу ниҳоятда қийин вазифа. Сабаби: а) бу ерда вақт асосий роль ўйнайди. Айнан кадрлар тайёрлашда бу муддат камида 11-12 йилни;

б) бир умр меҳнат хизмати бозори талабига мослашишни, яъни малакасини, компетенциясини мунтазам ошириб боришни талаб қиласи. Натижада бу муаммони ниҳоятда долзарб қилиб қўймоқда ва у фикримизча, инсон учун доимий йўлдош бўлиб қолади.

### **Муаммони ўрганилганлик даражаси.**

Инсон капиталига инвестиция назариясига асоссолган Теодор Шульц 1979 йили, таниқли олим Г. Беккер "Инсон капитали" фундаментал тадқиқоти учун Нобель мукофоти олишган. Инсон капиталини қиёсий таҳлил қилиш. асосида сифатли таълимнинг иқтисодий самараси юқори бўлишини асослаб беришган<sup>2</sup>.

Таниқли америкалик олим Питер Друкер ўз тадқиқотида ривожланган мамлакатларда илм-фан билан шуғулланувчилар сони XX асрнинг охирига келиб Америкада ишчи кучининг 40 %ини ташкил этгани<sup>3</sup>, келажакда улар ортиб бориб, жамият интеллектуаллар жамияти бўлиши, билим унинг асосий ресурси бўлиб, интеллектуал салоҳиятли ходимлар ишчилар армиясининг асосий гуруҳига айланнишини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Билимлар, янги гипотезалар яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурган таниқли профессор Йохан Г. Виссеманнинг "Учинчи авлод университети" китобида университетларнинг учинчи авлодига ўтишга ундан асосий омиллар, илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишлари, ихтиrolар натижаси ва уларни тижкоратлаштириш масалалари кенг ёритилган<sup>5</sup>.

Д.Тожибоеванинг тадқиқотида республикамизда инновацион ривожланишни амалга оширишда салоҳиятли кадрларнинг илмий тадқиқот ва илмий педагогик фаолият билан

<sup>2</sup> Shultz T. Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences. — N.Y., 1968, vol. 6; Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. -М.: Издательский дом ГУ – ВШЭ, 2003. - 326 б.

<sup>3</sup> Drucker, P.F. Management Challenges for the 21 st Century / P.F. Drucker. -Oxford: Elsevier, 1999. - 205 p.

<sup>4</sup> Друкер П.Ф. Задачи менежмента в XXI веке / П. Друкер. – М.: Вильямс, 2002. – 257 с.

<sup>5</sup> Виссема Й.Г. (Yoxan G. Vissema). Университет третьего поколения. Пер. с англ. М.: "Олимп-Бизнес", 2016. – 422 с.

<sup>1</sup> Тожибоева Д. Рақамли иқтисодиёт ва унинг таълим тизимиға талаблари. / Бизнес-Эксперт, 2020, №7(151). - Б. 3 - 6.

1-расм. Инсон тарақиёти (камолоти) индекси кўрсаткичлари<sup>1</sup>.



шуғулланишига мотивациянинг таъсири ва бу борадаги муаммолар ўрганилган<sup>2</sup>.

Республикамиз тадқиқотчилари томонидан таълим тизимини тадқиқ этишга қаратилган ишлар талайгина ва турли-туман. Лекин айнан таълим тизимини инсон модели нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганилган тадқиқот йўқ.

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг билимлар иқтисодиётига айланishi, бутун дунёда таълимга борган сари катта аҳамият берилаётгани ва инсон моделига ёндашибда турли йўналишлар орасида институционал йўналишнинг ҳақиқатга яқинлигини, оқилона қарор қабул қилишда институционал иқтисодиётни ўрганиш зарурлигини асослашдир.

Маълумки, **таълим умумийликка, билим индивидуалликка** эга. Таълимнинг сифати ва уни қай даражада ташкил этиш, шахснинг ҳар томонлама баркамолликка интилиши учун шароит яратиш давлат ва уни бошқарувига, **билим олиш эса** индивидуаллик билан боғлиқ бўлгани учун ҳар бир индивиднинг мотивацияси, ўз устида узлуксиз мустақил ишлаши, билим олишга интилиши билан боғлиқ эканлиги у охир-оқибат бутун жамиятнинг фаровонлиги, тарақиёт даражасини белгилашини, баркамол-

ликка интилиш учун аввало хато, нотуғри қарор қабул қилиши мумкин бўлган инсон сифатида ўз устида мунтазам ишлаш заруриятини неоинституционал назарияга таянган ҳолда назарий жиҳатдан асослаб берилган.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотда кузатиш, назарий ва мантиқий талқин, статистик гурӯҳлаш, таққослаш, таҳлил килиш, синтезлаш, индукция, дедукция, илмий абстракция каби методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлили.** Дунё миқёсида билимга, унинг натижасини кўрсатишга алоҳида диққат қаратилаётганини Инсон тарақиёти (камолоти) индекси (Human Development Index) ҳисоблана бошлаганида ҳам кўриш мумкин<sup>3</sup>. У жамиятда инсоннинг баркамоллигини таъминланишини ифодаловчи интеграл кўрсаткичdir (1-расм).

Кўриниб турибидики, кутилаётган умр узоқлиги ҳам, миллий даромад ва ЯИМ миқдори ҳам охир оқибат аҳолининг таълим даражасига боғлиқ. Таълим сифати, аҳолининг саводхонлиги, кутилаётган умр даражаси эса ўз навбатида мамлакатда яратилган миллий даромад, ЯИМ ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорига боғлиқ. Дастрлаб, мазкур йиғма индекс учта кўрсаткич бўйича ҳисобланган бўлса, 2010 йилдан унга ижтимоий-иқтисодий нотенглик, гендер нотен-

<sup>1</sup> <http://gtmarket.ru/ratings/human-development-index-info> асосда муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Тожибоева Д. Институционал мұхит яратиш – илмий фаолият ва инновацияга мотивацияни кучайтиришнинг асоси. / Илм-фан ва инновацион ривожланиш. 2021, №4. -Б. 17-28.

<sup>3</sup> <http://gtmarket.ru/ratings/human-development-index-info>

**1-жадвал. Ривожланган ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида Инсон тараққиёти (камолоти) индексининг ўзгариши (2010-2022 й.й.)<sup>1</sup>**

Рейтинг	Мамлакат	ИТИ 2010 й.	Рейтинг	Мамлакат	ИТИ 2020 й.	Рейтинг	Мамлакат	ИТИ 2022 й.
Лидер мамлакатлар								
1.	Норвегия	0,938	1.	Норвегия	0,957	1.	Швейцария	0,962
2.	Австралия	0,937	2.	Ирландия	0,955	2.	Норвегия	0,961
3	Янги Зеландия	0,907	2.	Швейцария	0,955	3.	Исландия	0,959
4.	АҚШ	0,902	4.	Гонконг	0,949	4.	Гонконг	0,952
5.	Ирландия	0,895	4.	Исландия	0,949	5.	Австралия	0,951
6.	Лихтенштейн	0,891	6.	Германия	0,947	6.	Дания	0,948
Марказий Осиё мамлакатлари								
66	Қозоғистон	0,714	51	Қозоғистон	0,825	56	Қозоғистон	0,811
87	Туркманистон	0,669	106	Ўзбекистон	0,720	101	Ўзбекистон	0,727
102	Ўзбекистон	0,617	111	Туркманистон	0,715	91	Туркманистон	0,745
109	Қирғизистон	0,598	120	Қирғизистон	0,697	118	Қирғизистон	0,692
112	Тожикистон	0,580	125	Тожикистон	0,668	122	Тожикистон	0,685
Энг охирги ўринни олган мамлакат								
162	Либерия	0,300	189	Нигер	0,394	189	Нигер	0,400

глиги индекси, кўп ўлчовли қашшоқлик дара- жаси индекси қўшилди.

Тадқиқ этилган мамлакатлар 4 гуруҳга бўлинади:

1. ИТИ энг юқори даражадаги мамлакатлар (0,9 дан юқори);
2. ИТИ юқори даражадаги мамлакатлар (0,8 дан 0,9 гача);
3. ИТИ ўртача даражадаги мамлакатлар (0,5 дан 0,8 гача);
4. ИТИ паст даражадаги мамлакатлар (0,5 дан кам бўлган);

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ривожланган мамлакатлар орасида Инсон тараққиёти (камолоти) индекси бўйича 6 та энг юқори ўрин олган мамлакатлар 2010-2022 йиллар давомида ўзгариб турган. Фақат Норвегия бу гуруҳни тарқ этмаган. Шунингдек, энг охирги ўринни 2010 йили Либерия (0,300 балл) эгаллаган бўлса, 2020 йили Нигер (0,394 балл), 2022 йили Жанубий Судан (0,385 балл) олди. Гонконг (Хитой) 2020-2022 йилларда 4-ўринга кўтарилиди.

Марказий Осиё (МО) мамлакатлари гуруҳига назар ташласак, Қозоғистон етакчилик қилмоқда. Шу билан бирга 2010 йили 66-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йили 51-ўринга кўтарилиди, 2022 йили 56-ўринга

тушди. Ўзбекистон Туркманистондан ўзиб, МО мамлакатлари орасида 2020 йили 2-ўринни, жаҳон миқёсида 106-ўринни, 2022 йили эса 101+ўринни эгаллади. 2022 йили эса Туркманистон биздан ўзиб кетди. Тожикистонда индекс кўрсаткичлари барқарор ўсиб борган. Қирғизистонда 2010 йилга нисбатан 2020 йили ўсгани ҳолда 2022 йили, аксинча пасайган.

Жадвал маълумотларидан қўйидаги муҳим холосаларни чиқариш мумкин:

1.. 2010 йилга нисбатан кейинги йилларда ИТИ бўйича жаҳон мамлакатлари қамрови ўсган.

2. Барча мамлакатларда ИТИ индекси дара- жаси ўсган. 2010 йили энг охирги ўрин 0,300 баллни ташкил этган бўлса, 2020 йили 0,394 баллга етган. 2022 йили индексга киритилмаган 2 мамлакат қўшилган

3. Мамлакатларнинг эгаллаган мавқеилари сезиларли ўзгарган. Демак, барча мамлакатларда таълимга аҳамият бериш, мамлакатлар ўртасида ракобатда муносаб ўрин эгаллаш учун интилиш кучайиб бораётганини, иқтисодиётда билим даражаси, инновацияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш асосий ўринга чиқаётганини кўрсатади.

Таълим тизими, кадрлар тайёрлашга баҳо берар эканмиз, албатта миқдор ва сифат кўрсаткичлари муҳим. Ҳозирги кунда жаҳонда, жумладан республикамизда ҳам таълим тизими энг динамик ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Чунки, таълимга аҳамият бермай, юқори дара-

<sup>1</sup> [https://www.un.org/ru/development/hdr/2010/hdr\\_2010\\_indicators.pdf](https://www.un.org/ru/development/hdr/2010/hdr_2010_indicators.pdf); <https://gtmarket.ru/ratings/human-development-index>; Доклад о человеческом развитии. 2021/2022 Резюме. - <https://hdr.undp.org/global-report-document> асосида муаллиф томонидан тузилган

**1-жадвал. Олий таълим тизимида 2010-2022 йиллар давомида асосий миқдор кўрсаткичларининг ўзгариши (ўқув иили бошига, киши)<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	2010-2011	2015-2016	2020-2021	2021-2022	2021-2022 й.й. 2010-2011 й.й. га нисбатан, %
Олий таълим ташкилотлари сони	65	69	127	154	236,9
Олий таълим ташкилотлари талабаларининг битирувчилари сони	76379	66290	83905	103898	136,0
Олий таълим ташкилотлари талабалари сони	274520	264291	571512	808439	294,4
Олий таълим ташкилотлари-да профессор-ўқитувчилари сони	23021	24909	32070	37364	162,3
Бир профессор-ўқитувчига талабалар сони	11,9	10,6	17,8	21,6	181,5

жада ривожланган жамиятга хос, бозор талабалирга мос кадрларни тайёрлай олмаймиз.

Республикамизда 2010-2022 йиллар давомида (1-жадвал) Олий таълим ташкилотлари сони деярли 2,4 марта, талабалар сони деярли 3 марта, ўқитувчилар сони 1,6 марта, бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони 8 марта, ортган. Шу билан бирга кейинги 5 йил ичидаги республикамизда фан докторларининг сони 1,6 марта, фан номзодларининг сони 1,4 марта, ортди. Илмий салоҳият 31 фойздан 38 фойзга кўтарилиди.

Бу кўрсаткичлардан қўйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Республикаизда таълим тизимини, жумладан олий таълим тизимини ривожлантиришга, ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлаштиришга алоҳида диққат қаратиласяпти. Хусусан, олий таълим даргоҳларининг сонини кўпайтириш (жумладан нодавлат таълим ташкилотларини ҳам) кундузги, кечки, сиртқи таълимни жорий қилиш орқали рақобатни кучайтириш, шаффофликни таъминлашга эътибор берилиб, тизимни ислоҳ қилиш давом эттирайти. 2. Олий таълим қамрови ортиб бора япти. Бу ўз навбатида аҳолини нафақат моддий таъминоти, балки маънавий жиҳатдан ҳам ўсишига, соҳадаги коррупцияни кескин равишда камайтиришга, рақобатбардошлигини оширишга, миқдор ўзгаришлари охир-оқибат сифат ўзгаришларига олиб келади.

Маълумки, 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60 сонли Фармонига кўра «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб

чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди<sup>2</sup>. Мазкур стратегияда 100 мақсад қўйилган бўлиб, тўртинчи йўналиш “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш”га қаратилган. Жумладан 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш. Олий таълим билан қамров даражасини 50 фойзга етказиш ва таълим сифатини ошириш мақсадлари қўйилган. Рақамлар уларни амалга ошириш имконини кўрсатади.

Шу билан бирга таълим сифати алоҳида аҳамиятга эга. Тайёрланётган мутахассис кадрларнинг билими, кўникмаси, малакасини нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан ҳам кафолатланишини талаб этади. Таълимда унинг сифатига эришиш мураккаб, сабаби, жараённинг бир томонида янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга интилган талаба - иккинчи томонида фаннинг мақсад, вазифалари, мазмuni, янгиликларини уларга етказувчи профессор-ўқитувчи туродики, бу мақсадни амалга ошириш натижаси кўп жиҳатдан ҳар икки томоннинг мотивациясига, ҳамкорлигига боғлиқ. Унинг қай даражада юқорилиги таълимга қўйилган инвестицияларнинг қайтимида акс этади.

2-жадвал маълумотларида акс этган таълимга сарфланган инвестициялар ва уларнинг қайтими кўрсатиб турибдики, бу жиҳатдан Корея энг юқори натижага - харажатларга нисбатан 17 марта кўп қайтимга эришган. Ўзбекистон эса ривожланган мамлакатларга

<sup>1</sup> <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/investments> асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. <https://lex.uz/docs/5841063>

**2-жадвал. Бир талабага тааллуқли таълимнинг тўлиқ циклига инвестициялар ва қўшилган қиймат кўринишида қайтиши<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	Япония	АҚШ	Корея
Талабанинг ўқув циклига давлат инвестициялари ҳажми, АҚШ доллари	18 909	182 103	231 263	30 887
Ходим яратган қўшимча қийматининг миқдори, АҚШ доллари	77 291	2 176 818	3 105 898	2 169 152
Қайтимнинг ўсиши, марта	4	12	13	17

қараганда анча орқада эканлиги, ҳозирча қайтим атиги 4 марта кўплиги кўриниб турибди. Бундай натижা биздан олий таълим тизими-даги камчиликларни тезроқ бартараф қилишни талаб қилади.

Ҳозирда бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам юқори даражадаги компетентли мутахассислар етишмайди. Pricewaterhouse Coopers ўтказган сўровномага кўра, дунё миқёсида раҳбарлар фикрича ҳозирда қўнима ва маҳоратнинг етишмаслиги бизнес учун учта асосий хавфдан биридир. Лекин реал ҳаёт тажрибаларидан, мантиқий хуоса чиқариб ва жамиятдаги барча муносабатлар, алоқаларнинг боғлиқлигидан келиб чиқиб, дунё миқёсида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам, баралла айтиш мумкин - бу етишмовчилик барча соҳалар учун жиддий хавф туғдиради, айниқса, бошқариш, тартибга солишнинг барча бўғинларида. Чунки, уларнинг танлови натижаси фақат ўзларига эмас, балки жамоага, қолаверса бутун жамиятга таъсир кўрсатади. Барча даражадаги ҳукуматнинг амалий фаолиятини кўплаб давлат органлари: идоралар, агентликлар, муассасалар амалга ошириши, мансабдор шахслар – қабул қилинган қонунларни бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида масъулият юклайди.

Масалага буюк иқтисодчи Ж.М.Кейнс нуқтаи назаридан қарасак, дунёни сиёсатчилар ва иқтисодчилар бошқарадилар<sup>2</sup>. Муҳим сиёсий масалалар эса иқтисодий масала ва муаммолардан келиб чиқади. Демак, барча асосий муаммолар иқтисодга бориб тақалади. Бу ўз навбатида иқтисодиётни чукӯр ўрганиш, иқтисодий қонунларнинг амал қилиши, ҳаётда уларга мослашиш йўлларини топишга ундейди.

<sup>1</sup> "Buyuk kelajak" XHNT томонидан таклиф этилган лойиҳа: Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. - Б. 347. <https://kun.uz> > 2019/05/18.

<sup>2</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. Пер. с англ. — М.: Эксмо, 2007. — 960 с.

2. Ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг чексизлиги улардан тежамли, оқилона фойдаланишни талаб қилади. Шу билан бирга уларни асраб-авайлаб сарфлаш ва унинг янги усууларини кашф қилиш учун қилинадиган харажатларни ҳам кўпайиб бориши бу муаммони янада долзарб қилиб қўймоқда.

3. Бозор иқтисодиётiga ноаниқлик йўлдош. Ресурсларнинг чекланганлиги бизни ҳар қадамда танлашга мажбур қилади. Қанчалик ҳисоб-китоб қилиб танлашга қарамай, унда маълум даражада таваккалчилик ва хавф-хатар мавжуд. Шунинг учун ҳам танлаш бу - риск қилишдир. Бу ўз навбатида хавф-хатарни камайтириш йўлларини қидириш, иқтисодиётда танглик, тушкунлик рўй берса тезда ундан чиқиш йўлларини топиш, чора-тадбирлар кўришга мажбур қилади. Айниқса иқтисодиётнинг цикли ривожланиши бу масалага алоҳида дикқат қаратишни талаб қилади. Буни юз берган ва бераётган жаҳон миқёсидаги ҳамда айрим олинган мамлакатлардаги молиявий-иқтисодий кризислар, танглик, тушкунниклар ҳам кўрсатиб турибди.

**Инсон иқтисодиётни асосий ҳаракатлантирувчи кучи, шунинг учун ҳар қандай иқтисодий ўзгаришлар, муносабатлар жараёнининг марказида туради.** Жамият тараққиётининг барча босқичларида камёб табиий ресурсларнинг тугаб бориши, уларни асраб-авайлаб сарфлаш учун қилинадиган харажатларнинг ҳам кўпайиб бориши бу муаммони янада долзарб қилиб қўяди. Натижада, доимий дикқат чекланган ресурслар ва имкониятлар шароитида яратилган неъматни, купайтириш учун рационал хўжалик юритиш қонунларини излашга қаратилган. Бунда иқтисодий тадқиқотлар йўналиши, эътибор қаратиладиган масалалар ўзгарган, лекин асосий мақсад ўзгармаган.

Жамият тараққиёти, хўжалик юритиш шакллари ва иқтисодий алоқаларнинг кучайиши, мураккаблашуви билан ер юзидаги аҳолининг

кўпайиши бу муаммонинг долзарбилигини янада ошириди.

Иккинчи томондан, **инсон неъматларни яратувчиси ва истеъмолчисигина эмас, айнан ана шу жараённинг барча босқичларида ягона қарор қабул қилувчи ва уни амалга оширувчидир**. Шунинг учун ҳам XX асрдан бошлаб жамиятни ижтимоий ташкилий шаклига, «иктисодий одам (*homo economicus*)» нинг саъй-ҳаракати, танлови, субъектив мотивларига алоҳида дикқат қаратиб, турли ёндашувлар асосида илмий-назарий “инсон модели” да ифодалаш бошланди.

**Ҳар қандай илмий модель уни ҳарактерловчи, тавсифловчи асосий параметрлар, кўрсаткичларни ўз ичига олади.** Инсон модели ҳам индивиднинг иктиносий фаоллиги мотивлари, мақсади ва унга эришиш учун унинг имкониятлари, энг аввало когнитив – билим, малака, маҳорат кабиларни қамраб олади. **Танловга омилларнинг иккى гуруҳи таъсир кўрсатишига дикқат қаратилади: ресурсларнинг чекланганлиги ва афзал кўриш. Биринчиси объектив бўлса, иккинчиси - субъектив.** Танлаш турли омилларни ҳисобга олган ҳолда бошқалардан афзал кўриш натижасидир.

Иктиносидёт назарияси асосан инсоннинг иктиносий саъй-ҳаракати, танловига, яъни турли моддий ва маънавий неъматлар яратиш, уларни тақсимлаш, ишлатиш (истеъмол қилиш) жараённида ўзини қандай тутишига дикқат қаратади. Индивидуал, гуруҳий, умумжамият миқёсида таҳлил этилади ва унинг асосида турли назариялар, жумладан, талаб ва таклиф, рақобат, фойда, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчilar танлови ва бошқа назариялар илгари сурилади.

**Жараён “эҳтиёжлар - мотивация - манфаатлар - стимуллар - англаш - мақсад қўйиш - фаолият - натижка - истеъмол”** тарзида юз беради. Инсон фаолияти мотивацияга асослаади. Мотивация - биологик жиҳатдан инсоннинг ирсий ва тўплланган тажрибаси асосида индивидуал ва гуруҳий равишда эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, ундайдиган туйғу. Мотив эса инсонни бирон-бир фаолият юритишига йўналтирувчи ички ҳис-туйғу бўлиб, у эҳтиёж, хоҳиши, қизиқиши, интилиш бўлиши мумкин.

Инсоннинг турли-туман даражадаги ақлий ва жисмоний қобилияти, иродаси ҳамда манфаати бир бутун бўлиб бирлашуви натижаси моти-

вация билан биргалиқда уни ҳаракатга солувчи куч бўлиб намоён бўлади. Демак, инсоннинг қандай қарор қабул қилиши бунда у ўз манфаатлари нуқтаи назардан масалага қандай ёндашиши катта аҳамиятга эга.

Иктиносидёт назария манфаатлар билан боғлиқ ҳар қандай ижтимоий жараёнларга ойдинлик кирита олади. Ягона истисно, хаос (тартибсизлик)дан манфаатдорлик бўлиши мумкин. Таниқли иктиносидочи П. Хейне таъкидлаганидек, “Агар кишилик жамияти рационалликни қадрламай, антиқа, тасодифий, бефойда хатти-ҳаракатларга устунлик берганларида иктиносидёт назария деярли ўзининг иктиносидёт муносабатларни ўзгариши туфайли қандай натижага эришиш мумкинлигини кўрсатиш кучидан айрилган бўлар эди. Мувофиқ равиша илмий тахмин қилиш кучи жамият ҳаётининг пухта ўйлаб қарор қабул қилинган соҳаларида юқори”<sup>1</sup>.

Инсон шахсининг хилма-хиллиги, унинг фаолияти мотивларининг турли-туманлиги иктиносидёт ҳаётни илмий таҳлил қилишда инсон моделидан фойдаланиш, яъни ижтимоий-иктиносидёт тизимда фаолият юритувчи инсон ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш заруритини келтириб чиқаради. Демак инсоннинг қандай қарор қабул қилиши бунда у ўз манфаатлари нуқтаи назаридан масалага қандай ёндашиши катта аҳамиятга эга.

Инсонни «моделлаштириш»нинг турли-туман йўналишларини шартли равиша уч гуруҳга ажратиш мумкин. Улар ўртасидаги фарқ биринчидан, инсоннинг шахсий фазилатларини турли-туманлигидан, иккинчидан, абстракцияланиш даражаси жиҳатидан, учинчидан, кишилар фаолияти амалга ошириладиган иктиносидёт, сиёсий, психологик мұхитни ҳисобга олиниш жиҳатидан аниқланади.

Иктиносидётни назарий жиҳатдан ўрганишда инсон модели классик назарияда устун даражада «*homo economicus*» - «ўз манфаатларини кўзловчи одам» сифатида қаралса, неоклассик назарияда «*homo economicus*» «иктиносидёт фикрловчи», рационал қарор қабул қилувчи одам сифатида кўрилади.

Институционал йўналиш вакиллари неоклассик мактабни **биринчидан**, бошланғич мето-

<sup>1</sup> Heyne P. The Economic Way of Thinking, 5th ed., Chicago, Ill.: Science Research Associates, 1987. Хейне, П. Экономический образ мышления / Пер. с англ. Изд-е 2-е — М.: «Дело», 1992. - С. 443-444.

дологиянинг торлиги, иқтисодий механизмни амал қилишида социологик, сиёсий, ижтимоий-психологик омилларни ҳисобга олинмаганини; **иккинчидан**, реал иқтисодиётнинг муҳим таркибий институционал хусусиятларини инкорқилганлари учун танқид қилишади<sup>1</sup>.

**Неоинституционал назарияда билим, малака, ахборотлар етишмаслиги туфайли «норационал» - қарорлар қабул қилиши мумкин бўлган инсон сифатида қаралади.** Ундан ташқари турли психологик, социологик, сиёсий омиллар, инсоннинг ижобий, салбий хислатларига эътибор берилади<sup>2</sup>. Демак, инсон тўғри қарор қабул қилиши учун қандай касбни эгалламасин, қандай иш билан шуғуланишидан қатъий назар нотўғри қарор қабул қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, тинмай изланиши, ўз устида мунтазам ишлаши зарур. Бу хислат айнан, таълим-тарбия олиш, ўқиш, ўрганиш жараёнида шаклланади.

Шундай қилиб, неоинституционал нуқтаи назардан “инсон модели”ни иқтисодий, ижтимоий муносабатлар марказида турувчи, аниқ вазиятдан келиб чиқсан ҳолда иш кўришга интигувчи, расмий ва норасмий институтлар, жамият маданияти, психологияси, мафкурасини ўзида мужассамлаштирган, лекин билим, малака, ахборотлар, маблағ, вақт ва бошқалар етишмаслиги туфайли «норационал» қарорлар қабул қилиши мумкин бўлган инсон сифатида кўрилади. Шу билан бирга устун дараҷада диққат қаратилган жиҳатларига кўра қатор йўналишларга бўлинади, лекин инсонларнинг расмий ва норасмий қоидаларни яратиши, уларга амал қилишда ноиқтисодий омиллар, хусусан, маънавий ахлоқий омилларга ҳам алоҳида диққат қаратиш, жамият нисбатан мураккаб таркибга эгалиги, уларни мувозанатда ушлаб туриш учун давлатнинг иқтисодий муносабатларга аралашуви талаб этилиши томонлари умумий.

<sup>1</sup> Тожибоева Д. Неоинституционализм, унинг замонавий иқтисодиёт назариясида тутган ўрни ва келажаги./ - Тошкент, Молия, №4, 2017. - Б. 63.

<sup>2</sup> Автономов В.С. Модель человека в экономической науке. — СПб. : Экономическая школа, 1998. – 230 с.; Хайек Ф. Пагубная самонадеянность. Ошибки социализма. –М.: «Новости», 1992. - 302 с.;

Уильямсон О. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки, «отношенческая контрактация». - СПб, Лениздат, 1996. - 702 с.

Кўриниб турибдики, инсон моделига институционал ёндашув бошқа ёндашувларга нисбатан устунликларга эга. Классик, неоклассик йўналишларда инсон моделига фақат иқтисодий нуқтаи назардан ёндашилади ва ҳаддан ташқари илмий абстракцияга зўр берилади. Институционал ёндашувда иқтисодий омиллар билан биргалиқда расмий ва **норасмий нормаларни, ноиқтисодий омилларни ҳисобга олмаслик нотўғри қарор қабул қилишга олиб келиши** асослаб берилади.

Энг муҳими, норационал қарор қабул қилимаслик учун инсон зарур билим, кўнкма, малакага, ахборотга эга бўлиши кераклиги кўрсатилади ва бунинг учун ҳар бир инсон ўз устида тинмай, мунтазам ишлаши зарурлиги ҳақида хулоса чиқаришига, мувофиқ равишда мотивация яратишга олиб келади.

Айнан юқоридаги 2-жадвалда акс этган мамлакатимизда таълим самарасининг пастлигини бартараф қилишнинг бош йўли ҳам ҳар бир шахснинг ўз устида тинмай ишлашига мотивация яратишdir.

**Унинг яна бир муҳим эътибор берадиган жиҳати шундаки, институционал мактаб вакилларининг машҳур намоёндалари институционализмда у ёки бу назарияга, йўналишга асос согланлар.**

Масалан, Т.Веблен институционализмга асос соглан бўлса, Ж.Р.Коммонс, У.Митчел, И.Шумпетер инновацион ривожланиш назариясига, А.Алчиан, Г.Демцес, Р.Коуз мулқ ҳуқуқи назариясига асос солишган. Шуннингдек, Р.Коузни трансакцион харажатлар назарияси билан неоинституционал назариянинг асосчиси сифатида қаралади. Норт институтлар ва уларнинг ўзгариши, Ж. Акерлоф ва Ж. Стиглиц ахборотлар асимметрияси, Г.Беккер инсон капитали назариясига асос солишиди. Ж.К.Гэлбрейт, Ф.Найт, К.Полани, К.Айрес ва бошқалар эски институционал қарашларни кенг ёйилишига ҳизмат қилишган бўлса, Ж.Бьюкенен, Г.Мюрдал, О.Уильямсон, Э.Остром, Р.Познер, Г. Саймон Ж.Стиглар, М.Олсон, Ф.Хайек, Ж.Хожсон ва бошқалар “Янги институционал” мактабининг таниқли намоёндалари сифатида машҳур бўлишиди. О.Харт, Б.Холмстрем контракт (шартнома)лар назариясини, Р.Талер инсон саъиҳаракати, танловига, қарор қабул қилишига психологик (бихевиористик) омилларнинг таъсирини ўрганиш борасида назарияларга асос ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2022, 9 (118)

солишиди, такомиллаштиришди. Шунинг учун ҳам ҳозирга келиб неоинституционал назария иқтисодиёт назариясининг нуфузли оқимларидан бирига, иқтисодий мактабига айланиши, унинг қатор вакилларининг кейинги йилларда бошқа йўналиш намоёндаларига қараганда устун даражада Нобель мукофотига сазовор бўлиши бежиз эмас<sup>1</sup>.

Қатор ривожланган мамлакатларда олий таълимда ана шу йўналишлар чуқур ўрганилиб, янги ғоялар билан бойитилса, бошқаларида неоинституционал ва энг янги институционал назарияни кўзда тутган ҳолда институционал иқтисодиёт ўрганилмоқда.

Шу нуқтаи назардан қарасак, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да қўйилган истиқболда эришиш мўлжалланган мақсадларнинг барчasi институционал иқтисодиёт билан боғлиқлигини кўрамиз.

Шунинг учун орқада қолишни бартараф қилиб, “қувиб етиш”ни уддасидан чиқишининг фикримизча, муҳим йўли иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда неоинституционал ва энг янги институционал назарияни, умумлаштирган институционал иқтисодиётни барча иқтисодий йўналишларда чуқур ўрганишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

### **Хуносা.**

1. Инсон неъматларни яратувчиси ва истеъмолчисигина эмас, айнан ана шу жароённинг барча босқичларида ягона қарор қабул қиливчи ва уни амалга оширувчи эканлиги жамиятни ижтимоий ташкилий шаклига, «иқтисодий одам (homo economicus)» нинг саъй-ҳаракати, танлови, субъектив мотивларига алоҳида диққат қаратиш бошланди ва уни назарий жиҳатдан ифодаловчи Инсон моделларини яратишга эътибор кучайди.

2. Тажриба кўрсатдики, институционал йўналиш вакиллари таклиф этган “инсон модели” ва унинг параметрлари бошқа йўналишлар моделига нисбатан реаллика яқин, яъни неоклассик йўналиш вакиллари таъкидлаганидек инсон рационал қарор қабул қиливчи эмас, балки, билим, кўнишка, малака, ахборот ва бошқалар етишмаслиги туфайли

норационал қарор қабул қилиши мумкин бўлган шахс.

3. Инсон фаолиятида фаннинг, билимнинг роли ортиб бориши натижасида тайёрланётган мутахассис кадрларга уларнинг миқдори, таркиби ва сифатига бўлган талаблар тез ўзгармоқда. У айниқса, сифат кўрсаткичларига устунлик беришни талаб қиласди. Инсон тараққиёти индекси ва жадвал маълумотлари бу борадаги эришган ютуқларимиз билан бирга камчиликларни кўрсатиб турибди. Республикамизда таълим самарадорлиги ривожланган мамлакатларга нисбатан паст ва унинг асосий сабабларидан бири тайёрлаётган кадрларимизнинг сифати талаб даражасида эмаслиги. Уни кўтариш талабаларнинг ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти мотивациясини кучайтириш орқали амалга ошириш мумкин ва бунинг учун институционал мұхитни янада такомиллаштириш, мукаммаллаштириш зарур.

4. Таълим сифатини кўтариш ва замон талабларига мос мутахассис кадрлар тайёрлашга неоинституционал ёндашувга кўра инсон рационал қарор қабул қилиши учун ўз устида мунтазам ишлаши ўқиши, ўрганиши зарур. Демак, ўз устида мустақил ишлашни мотивацияга, одатга айлантириш керак. Мотивация яратиш учун расмий ва норасмий институтларни талабалар томонидан чуқур ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш, тўсиқ бўладиган қонун-қоидаларини бартараф қилиш, ўзгартириш ва янгилашини қабул қилиш масалаларига эътибор беришни ўргатиш зарур. Бу вазифани бажаришда Институционал иқтисодиёт муҳим роль ўйнай олади. Шунинг учун фикримизча, кадрлар тайёрлашда барча бакалаврият иқтисодий йўналишларида ўқув режасининг мажбурий фанлар блокига “Институционал иқтисодиёт” фанини, магистратура мутахассисларидага «Неоинституционал назария ва иқтисодиётнинг асосий муаммолари»ни ўрганиш зарур. Талабалар ва магистрларни иқтисодиётни институционал нуқтаи назардан ёндашилган илмий тадқиқотлар олиб боришга рағбатлантириш лозим.

<sup>1</sup> Тожибоева Д. Неоинституционализм, унинг замонавий иқтисодиёт назариясида тутган ўрни ва келажаги./ - Тошкент, Молия, №4, 2017. -Б. 62-71.

**Манба ва адабиётлар:**

1. Тожибоева Д. Рақамли иқтисодиёт ва унинг таълим тизимига талаблари. / Бизнес-Эксперт, 2020, №7(151). - Б. 3 - 6.
2. Shultz T. Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences. — N.Y., 1968, vol. 6.
3. Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. -М.: Издательский дом ГУ – ВШЭ, 2003. - 326 б.
4. Drucker, P.F. Management Challenges for the 21 st Century / P.F. Drucker. -Oxford: Elsevier,1999. - 205 р.
5. Друкер П.Ф. Задачи менежмента в XXI веке / П. Друкер. – М.: Вильямс, 2002. – 257 с.
6. Виссема Й.Г. (Yoxan G. Vissema). Университет третьего поколения. Пер. с англ. М.: "Олимп-Бизнес", 2016. – 422 с.
7. Тожибоева Д. Институционал мұхит яратиш – илмий фаолият ва инновацияяга мотивацияни кучайтиришнинг асоси. / Илм-фан ва инновацион ривожланиш. 2021, №4. -Б. 17-28.
8. <http://gtmarket.ru/ratings/human-development-index-info>.
9. <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/investments> асосида муаллиф томонидан тузилган.
10. "Buyuk kelajak" ХННТ томонидан таклиф этилган лойиҳа: Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. - Б. 347. <https://kun.uz/2019/05/18>.
11. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. Пер. с англ. — М.: Эксмо, 2007. — 960 с.
12. Heyne P. The Economic Way of Thinking, 5th ed., Chicago, Ill.: Science Research Assocoates, 1987. Хейне, П. Экономический образ мышления / Пер. с англ. Изд-е 2-е — М.: «Дело», 1992. –704 с.
13. Тожибоева Д. Неоинституционализм, унинг замонавий иқтисодиёт назариясида тутган ўрни ва келажаги./ - Тошкент, Молия, №4, 2017. - Б. 62-71.
14. Автономов В.С. Модель человека в экономической науке. — СПб. : Экономическая школа, 1998. – 230 с.
15. Хайек Ф. Пагубная самонадеянность. Ошибки социализма. –М.: «Новости», 1992. - 302 с.
16. Уильямсон О. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки, «отношенческая контрактация». - СПб, Лениздат, 1996. - 702 с.